

ТАЖНИСНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК АСОСИ (лингвопоэтик аспектда)

Бердиев Хусан Холназарович

*Иқтисодиёт ва педагогика университети
нодавлат таълим муассасаси доценти*

Аннотация: Маълумки, ҳамжинс, ҳамшакл маъносидаги жинс тушунчаси тажнисга нисбатан олинганда сўзнинг структур белгисига кўра хусусиятни англатади. Унинг поэтик вазифаси асосида ҳосил бўлган *туюқ – туй-уз – туй-уз = тузукда* бир шакл негизида маъноларни мужассам этиш ётади. Шунинг учун бўлса керак, таърифларда «айтилиши ва ёзилиши бир хил, аммо маънолари ҳар хил бўлган икки ёки уч жинсдош сўзларга тажнис деб аталиши» кўрсатилади [Асаллаев ва б.,].

Калит сўзлар: тажнис, жинсдошлик, туюқ, поэтика

Луғатлардаги изоҳларга кўра, “тажнис- 1) адабиётда-омонимларни (шакли бир, маъноси бошқа-бошқа сўзларни) келтириш, ҳамжинс қилиш, ҳамшакл қилиш; туюқ; **тажниси том** тўлиқ тажнис; омонимларни (ҳамма маъноларида) шеър қофияларида ишлатиш...”.

2) музыкада энг оғир ва мураккаб куйлардан бири [Ўзбек..., 322]. Айрим манбаларда эса, нафақат омоним, балки паронимлар ҳам тажнис ҳосил қилиши таъкидланган [Қаранг: Сулаймонов ва б., 108].

А.Ҳожаҳмедовнинг «Мумтоз бадиият малоҳати» китобида: «Тажнис (ёки жинос) шеър байтида маъно жихатидан ҳар хил, аммо шакли бир хил ёки шаклан бир-бирига яқин икки сўзни келтириб, улар воситасида муайян фикр, лавҳа ёки тимсолни таъсирчан ифодалаш санъатидир» - дейиладики, бу муайян маънода умумлаштирувчи таърифдир. Шунингдек, олим тажнис ҳосил қилувчи сўз фонетик ва грамматик белгиларига кўра турларга бўлиниши ва ўзига хос терминлар билан аталиши хусусида сўз юритади, тажниси томм, мураккаб тажнис, мумосил, муставфий тажнис, тажниси ноқис, тажниси зойид кабиларга тўхталиб ўтади, мисоллар келтиради [Ҳожаҳмедов, 67-69] .

Таъриф ва мисоллардан маълум бўладики, тажнис бадиий санъат сифатида фонетик, лексик-семантик ҳамда грамматик белгиларга эга ва шу жихати билан у санъат ҳисобланади.

«Муҳокамат ул-луғатайн»да шундай шарҳ мавжуд: «Агар бирин-бирин алфоз вазъидаким, алар тақсир қилибдурлар, таарруз қилилса, сўз узар. Невчунким, кўп воқидур. Яна шеърда таъ аҳли қошида равшан ва мажмуъ,

фусаҳо оллида мубархандурки, *тажнис* ва *ийҳом* бағоят куллийдур. Ва бу фархунда иборат ва ҳўжаста алфоз ва ишоратда форсидин кўпроқ тажнисомуз лафз ва ийҳомангиз нукта борки, назмға мужиби зеб ва зийнат ва боиси такаллуф ва санъатдур. Масалан, от лафзики, бир маъниси аламдур, яна бир маъниси маркабдур ва яна бир маъниси амрдурки, тошни ё ўқни от, деб буюрғайлар. Бу тажнисда мундоқ дейилибдурким. Байт:

*Чун парию ҳурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жисмим сори отинг, бегим.*

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, ҳам турк шуароси хоссасидурки, сортда йўқтур ва мун *туюғ* дерлар» [Навоий, 7].

Навоий таъкидида, «алфоз ва ишоратда» туркий тилдаги сўзлар имконияти кенг бўлиб, улар туфайли энг қийин санъатлар кашф этилганлиги, худди шу лингвистик хусусият «боиси такаллуф ва санъат» эканлигига урғу берилиши бежис эмас.

Тўғри, поэтика нафақат шеърий, шунингдек, насрий матнларда ҳам учрайди. Бу фикр, ўз навбатида, Атоуллоҳ Хусайний томонидан ҳам таъкидланган. Чунончи, “Девону луғотит турк” III том 382-бетидаги мақолда *қиз* сўзи икки маънода қўлланилган ва тажнис санъати вужудга келганини кузатиш мумкин: *Қалӣъ бэrsa қіз алӣр, керак болса қіз алӣр* (яъни. 1-гапда қиз-балоғат ёшидаги аёл жинсига мансуб киши, 2-гапда эса зарур ҳолларда нарсанинг қиммат олишга ҳам тўғри келиши маъносини англатади).

“Ибн ал Муътазз “мужанаса”ни “тажнис” деб номлаб, шундай таърифлайди: “Яқинлашишнинг” моҳияти шундаки, поэзиядаги шеърда ёки нутқдаги сўзларга бошқа яқин сўзларнинг яқинлашуви. Бир нарсанинг иккинчиси билан яқинлашиши унда ҳарф ва мазмуннинг мослашишида ифодаланади. Ал-Халил шундай дейди: “Жинс” одамларнинг, қушларнинг, вазнларнинг, грамматиканинг барча турларида мавжуд. (Яқинлашиш) шундай бўладики, бунда сўз ўзидаги ҳарфлар, мазмуни ва келиб чиқишига кўра, у билан ясаладиган сўз билан яқин бўлиши керак” [Зиёвуддинова, 33].

Шундай қилиб, «Девону луғотит турк»даги қуйидаги шеърни тажнисга мисол келтириш мумкин:

*Қоғашуб јатса аніъ јузіңә,
Алсіқар өкін аніъ сөзіңә,
Мің кіші јолуғї болїб өзіңә,
Бәргәләр өзін аніъ көзіңә.*

Мазмуни: Унинг қўйнида унга қараб ётган киши унинг майни ва ёқимли сўзларига ўзини йўқотади. Бир жонни эмас, минг жонни унинг ҳуснига фидо қиладилар.

[У билан бирга ётса, унинг юзига қараса, унинг сўзларини эшитса, одам ўзини йўқотади. Унинг ҳуснига мингларча кишилар жон беришга рози бўлади] (I т., 245-б.).

Сўз туркумлари иштирокига кўра, Феъл+феъл+олмош+от//, Феъл+феъл+олмош+от//, Сон+от+от+феъл+от//, Феъл+от+олмош+от қолипига эга.

Кўринадик, 1-2-мисралар ҳаракат+предмет, ҳаракат+предмет (ёки муносабат+объект) тизимини сақлаб қолган бўлса, 3-мисрага келиб, микдорийлик белгилари ҳам қўшилади ва 4-мисрада от микдорининг ортишига олиб келади.

Шеърдаги *о́зінъа*, *о́зін* сўзлари тажнис белгисидир. Чунки у биринчи ўринда ўзлик олмоши, кейингисида жон маъносидадир. «Девону луғотит турк»даги изоҳларга кўра, *о́з* сўзи қуйидаги маъноларни ифода этади:

О́з – ёғ...

О́з – ўз, ўзи.

О́з – дара, тоғлардаги водий.

О́з – ўз киши, яқин одам маъносини ифода этади.

О́з – юрак ва қоринга тегишли аъзолар.

О́з – ўзак.

О́з – рух (жон) мазмунидаги сўз [Кошғарий, I, 80-81].

Энди шеърнинг морфологик хусусияти ҳақидаги фикрга қайтадиган бўлсак, шуни айтиш мумкинки, дастлабки 2 мисрада феъл иштироки етакчи, кейинги мисраларда унинг ўрнини от ва унинг вазифадоши олмош ҳамда сон эгаллаган. Бу ўзгариш, табиийки, бадиият такомили учун хизмат қилган – сўзлар маънолари ранг-баранглигига замин ҳозирлаган.

Кэлсә кіші этмә аңар өртәр күлә,
Баққіл аңар эзгүлүгүн ағзін күлә.

«Сенга кулар юзли бир киши келса, сен унинг юзига иссиқ – қайноқ кул чочма, яхшилик қил, ёқимли қилиқ билан ҳурматла» (I т., 149-б.).

**Күлсә кіші этмә аңар өртәр күлә
Баққіл аңар эзгүлүгүн ағзін күлә**

«Кишини ўзингга кулиб қараган ҳолда кўрсанг, яъни биров сенга кулиб боқса, сен унинг юзига куйдирадиган иссиқ кул сочма, сен ҳам кулиб боқ, яъни яхшиликка яхшилиқ қил, - дейилади» (II т., 34-б.).

**Jilki jazin atlanur,
Otlab aning etlanur,
Beglär sämiz atlanur,
Səwnüb ögür işrşur.**

«Баҳорни таърифлаб ёзади: ҳайвонлар аҳволи баҳорда яхшиланади, эт олиб семирадилар. Амирлар, беклар семиз от минишлари мумкин бўлади. Йилқилар шодланиб бир-бирларини тишлашади» (I т., 282-б.).

**Awlalur özüm aning tuzıca,
Emlälpür közim aning tuzıca.**

«Севиклисини таърифлаб ёзади:

Унинг ширинлиги билан борлигим овланади ва оёғининг тўзони билан кўзим даволанади» (I т., 290-б.).

**Iglädi mäniñ azaq,
Körmäziñ oğrı tuzaq,
Iklädim andin uzaq,
Emlägil emdi tuzaq.**

«Яширин тузоқни кўрмай, менинг оёғим илинди, узоқ вақт қийналдим, эй севиклим, энди ўзинг давола» (I т., 361-б.).

Айрим хулосалар:

- тажнис (ёки жинос) арабча сўз бўлиб, луғавий жиҳатдан *ҳамжисн*, *жинсдош*, *шаклдош* маъноларини беради. Мумтоз абабиётшунослик ва тилшуносликка оид асарларда у ҳақда атрофлича маълумотлар мавжуд. Унинг туркий адабиётдаги дастлабки намуналари «Девону луғотит турк»да ҳам учрайди;
- мазкур санъат, Алишер Навоийнинг илмий тадқиқига кўра, туркий-ўзбек тилидаги сўзлар имконияти кенглигига таянади;
- ушбу хусусиятни «Девону луғотит турк»даги мақоллар мисолида ҳам кўриш мумкин;

- тажнис фонетик, лексик-семантик ҳамда грамматик белгиларга эга бўлган, аниқроғи, лингвистик белгилар тизимига асосланувчи бадиий санъат.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн (нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев).- www.ziyouz.com kutubxonasi.
2. Ҳусайний А. Бадойиъу –с – санойиъ. – Т., 1981.
3. Асаллаев А., Раҳмонов В., Мусурмонкулов Ф. «Бадиий санъат жозибаси»–Т.: «Янги аср авлоди», 2005.
4. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999.
5. Сулаймонов Ш., Тўхсонов Қ. Адабиётшунослик атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Б.: «Бухоро» нашриёти, 2009.
6. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. (Тузувчилар – П.Шамсиев, С.Иброҳимов.) – Т., 1953.
7. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. I том. – Т.: Фан, 1960.
8. Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. III том. – Т.: Фан, 1963.
9. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида поэтика (Аруз, қофия, бадиият илми истилоҳлари тарихига оид). – Т., 2001.